

# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси

[www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz)

2013-ЙИЛ 12-ДЕКАБР, ПАЙШАНБА, 149 (8230)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган  
Bahosi kelishilgan narxda.

Қашқадарё Вилояти



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

## ҒУЗОРНИНГ СПОРТЧИ ЁШЛАРИ

**Ғ**узор туманидаги «Чанок» спорт мажмуа-сида 300 нафардан зиёд ўғил-қиз баскетбол, дзюдо, кўл жанги, миллий кураш, стол тенниси, таэквондо, футбол ва кўл тўпи бўйича маҳорат сирларини ўрганмоқда. Уларнинг 112

нафарини спортчи қизлар ташкил этади.

Мажмуа таркибидаги 1 минг 42 ўринли футбол майдони, сунъий қопламали майдон ва барча спорт анжомлари билан таъминланган спорт зали спортсевар ёшлар учун доим очик. Бу ерда

сабоқ олаётган ёш спортчилар нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, ҳозиргача жами юзта медални кўлга киритди. Бундай салмоқли ютуқларда 12 нафар тажрибали мураббийдан иборат жамоанинг ҳиссаси катта.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

12 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси очилади.

11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳақидаги ахбороти тингланди.

Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталарда ўтказилган мажлислар ва ўн учинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорларнинг лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида 16 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқили-

ши назарда тутилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети, шунингдек, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг кўриб чиқилиши ҳамда тасдиқланиши долзарб ва аҳамиятли эканлигини таъкидладилар.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган Ўзбекис-



тон Республикаси қонунларининг муҳимлигини алоҳида қайд этдилар. Бундай қонунлар жумласига «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқалар киради.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатларига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**


 Navoiy Viloyati


 2014 йил — соғлом бола йили

# РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК – СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИ

Юртимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар замирида, аввало, инсон омили, унинг манфаатлари, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом оилаларни шакллантириш мақсади мужассамдир. Президентимиз раҳнаомлигида бу соҳада қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг юксак самарасини бераётир. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Юртимизда 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши бу борада олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Кейинги йилларда соҳада “Соғлом она – соғлом оила” тамойили асосида олиб борилаётган ишлар самараси ўлароқ Навоий вилоятида ҳам эътирофга арзигулик ишлар қилинди. Бу жараёнда Навоий вилояти репродуктив саломатлик марказининг муносиб ҳиссаси бор. Айни пайтда марказда икки нафар гинеколог, бир нафар стоматолог, УТТ врачлари, уч нафар ҳамшира фаолият кўрсатапти.

– Репродуктив саломатликнинг асосий тамойиллари хавфсиз ҳомиладорлик, бехатар оналик, болани кўкрак сути билан боқиш тарғиботи, туғруқлар ораллигидаги интергенетик оралиқни сақлаш, замонавий контрацептив усуллар тўғрисида аҳолига тўлақонли маълумот бериш, жинсий йўллар орқали юқувчи касалликлар, бепуштлиқнинг олдини олиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда эркакларнинг тутган ўрни, ўсмирлар репродуктив саломатлиги ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи йўна-



лишларида намоён бўлади, – дейди марказ директори Мажид Нажимов. – Бундай тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида хотин-қизларда тиббий маданият ва саводхонлик ошганлигини таъкидлаш жоиз.

Масканда малакали тиббиёт ходимлари томонидан аҳолига замонавий контрацептив воситалардан самарали фойдаланиш ва тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича зарур текширувлар ўтказилади, керакли маслаҳатлар берилади. Марказ фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, шу ерга келган аёллардан бирини суҳбатга чорладик.

– Репродуктив саломатлик соғлом оила гаровидир, – дейди Нурота туманидан келган бемор С.Жавлонова. – Бу ерга келиб, УТТ кўригидан ўтдим. Малакали гинеколог-шифокорга учраб, ўзимни безовта қилаётган касаллик юзасидан суҳбатлашдим. Энди шифокор берган маслаҳатга кўра, керакли муолажаларни олмоқчиман.

– Ҳомиладор аёлларда кўпроқ камқонлик ва эндемик бўқоқ касалликлари учрайди, – дейди ши-

фокор Дилафрўз Ҳакимова. – Тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилмаслик, ошқозон-ичак касалликларининг сурункали давом этиши натижасида ушбу касалликлар келиб чиқади. Уларнинг олдини олиш учун ҳар бир инсон овқатланиш қоида ва меъёрларига, шахсий гигиена талабларига амал қилиши, ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтиб туриши лозим. Мурожаат қилиб келган беморларга бу борада кенг тушунчалар бериб бораёпмиз.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш ва скрининг текширувининг моҳияти, туғма ирсий касалликлар, жинсий йўл билан юқадиган хасталикларни ўз вақтида олдини олиш, болани кўкрак сути билан боқишнинг афзалликлари, келажак давомчилари бўлган оналар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган қатор тадбирлар, учрашувлар ҳам ўтказиб келинмоқда. Буларнинг барчаси ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб етишишига хизмат қилади.

Раъно РАББИМОВА


 Қашқадарё Viloyati

Қашқадарё вилоятида Халқ депутатлари вилоят ҳамда Қарши шаҳар Кенгашларининг қўшма сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектларининг қиш ойларида барқарор ишлашини таъминлаш, мавсумга озиқ-овқат захирасини яратиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

## ҚИШДА ТАНГЛИК БЎЛМАЙДИ

Таъкидланишича, вилоятда қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилди. Иқтисодиёт тармоқлари, газ, электр тармоқларида реконструкция ишлари амалга оширилди. Қиш мавсумида истеъмолчиларга коммунал хизмат кўрсатиш ва тармоқларда содир бўлиши мумкин бўлган авария ва носозлик ҳолатларини тезкор бартараф этиш борасида хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан амалий ишлар қилинмоқда.

Йиғилишда “Жанубгазтаъминот” унитар корхонаси, “Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари” очик акциядорлик жамияти, “Иссиқлик манбаи” очик акциядорлик жамияти ва бошқа мутасадди ташкилотларга ҳам қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, вилоятда қиш ва баҳор мавсуми учун яратилган озиқ-овқат захираси ҳамда ғамланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, бозорлардаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш, бозорлар тўқинлиги ва нархларнинг мўътадиллигини сақлаш борасида истиқболли тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик ҳамда иссиқхона хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларнинг бу борадаги лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда фермер хўжалиklarидан ана шундай қўшимча тармоқларни ташкил этиш натижасида бозорлар мўл-кўлчилигига эришилмоқда. Вилоят тайёрлов ва таъминот корхоналари, фермер хўжалиklarи мавсумга пухта тайёргарлик кўришди. Бунда уларга банклар томонидан йўналтирилаётган кредитлар муҳим аҳамият касб этди. Айни пайтда ҳам бу борадаги ишлар қизғин давом этмоқда.

Йиғилишда амалга оширилган ишлар муҳокама-си билан биргаликда келгусидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Сессияда Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиёев сўзга чиқди.

Хусан ТЕМИРОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ  
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ


 Сурхондарё Viloyati

## МАҲАЛЛАДОШЛАР ИШОНЧИ

Қумқўрғон туманидаги «Нефтчилар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда тўрт минг икки юздан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти «Сурхон пармалаш ишлари» корхонаси ҳамда «Сурхон комбинат» ҳиссадорлик жамиятларида меҳнат қилишади.

Қолаверса, маҳаллада кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандлик ҳам ривожланиб бормоқда. Маҳалла аҳлининг юртни обод этиш борасидаги фаоллиги яқинда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига бўлиб ўтган сайловда ҳам янада аниқроқ намоён бўлди.

Мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига шу маҳаллада яшайдиган, маҳалла шариоитини яхши биладиган, одамларини танийдиган икки нафар фуқаронинг номзоди кўрсатилди. Улар ўзларининг дастурлари билан сайловчиларни таништиришди. Маҳаллани обод этиш, уни файзли ўрғашга айлантириш борасида фикрлари билан ўртоқлашишди.

Маҳалла аҳли “Сурхон комбинати” жамиятида муҳандис бўлиб ишлайдиган, маҳаллада ўзига яраша обрў-эътибор топган Чори Аннаевни маҳалла фуқаролар йиғини раислигига энг муносиб деб топди.

Исмоил РЎЗМОНОВ

## БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТЛАР

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан аҳоли бандлигини таъминлашда давлат интерактив хизматларини ривожлантиришга бағишланган анжуман ташкил этилди. Унда соҳа мутахассислари, вазирлик ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги А.Хаитов ва бошқалар таъкидлашганидек, мамлакатимизда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда. Буни жорий йилнинг ўтган даврида аҳоли бандлигини таъминлаш учун 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилгани, унинг 60 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилгани, энг муҳими, касб-ҳунар коллежларини битирган 500 мингдан ортиқ ёшларнинг ишга жойлаштирилганида ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, аҳолига бу борада қулайлик яратишда интерфаол давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шакллари жорий этиш ҳам муҳим аҳамият касб эт-

моқда. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ҳам бир қатор ишлар олиб борилаётир. БМТ Тараққиёт Дастури ҳамкорлигидаги “Бандликни таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик” лойиҳаси ана шундай ишлардан биридир. Лойиҳада иш ўринлари ва мутахассис кадрлар маълумотларини жойлаштириш ва қидириш онлайн тизими, шунингдек, Ўзбекистондаги ижтимоий хизматларнинг интерфаол харитаси каби дастур тизимларига эътибор қаратилди. Мазкур тизим вазирликнинг туман ва шаҳар бандликка қўмаклашиш марказлари фаолияти мониторингини юритиш, статистик маълумотларни йиғишда қулайлик яратади. Бундан ташқари, маълумотлар базасига Фуқаролик жамияти шаклланишини

мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда мамлакатимизда ижтимоий хизматларни тақдим этувчи 400 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилган. Маълумотларнинг ҳар ойда янгиланиб туриши, вақтни тежаш каби хусусиятлари ундан фойдаланувчилар учун қатор қулайликларни яратади.

Тадбирда аҳолига яратилаётган қулайликлар қаторида “ягона ойна” тамойилининг жорий этилгани бир қатор афзалликларни юзага келтираётгани қайд этилди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, статистик маълумотларни тўплаш ва аҳоли билан ишлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди. Бу каби хизматларнинг йўлга қўйилиши бугунги кунда “аср вабоси” дея ном олган одам савдосининг бандлик билан боғлиқ жиҳатларига қарши курашишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Хусан АБДУҒАНИЕВ

# МЎЛ ҲОСИЛГА ПУХТА ЗАМИН

АЙНИ КУНЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. БУНИ ЯХШИ АНГЛАБ ЕТГАН ФЕРМЕРЛАРИМИЗ, ДЕҲҚОНЛАРИМИЗ ШЎР ЮВИШ, АРИҚ-ЗОВУРЛАРНИ ТОЗАЛАШ, ТЕХНИКАЛАРНИ ТАЪМИРЛАБ, ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИШ КАБИ ҚИШКИ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИ ПУХТА БАЖАРИШГА КИРИШИШМОҚДА. БУ ЖАРАЁНДА УЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ КАМАРБАСТА БЎЛИШАЁТИР.

Навоий Вилояти

## МЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Ж**орий йилда Навоий вилоятида қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида юқори натижаларга эришилди. Жумладан, ғалла ҳосилдорлиги гектарига ўртача 55 центнер, пахта ҳосилдорлиги ўртача 27 центнердан ошди. Ушбу ютуқларга эришишда деҳқонларнинг фидокорона меҳнати, хусусан, ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида амалга ошириш муҳим аҳамият касб этди.

Яқинда Навоий шаҳридаги «Дийдор» тўйхонасида ташкил этилган йиғилишда ҳам бу яна бир эътироф этилди. Таъкидландики, мамлакатимизда яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, фермерларимиз юксак натижаларни қўлга киритишмоқда. Хусусан, вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириляётир.

2013 йилда мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш борасида 18 та лойиҳа бўйича 427,8 километр коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш, 5,2 километр ёпиқ-ётиқ дренажлар қуриш, битта мелиоратив насос станция қуриш, 5 та мелиоратив тик қудуқларни янгидан қуриш ҳамда 18 та мелиоратив тик

қудуқларни реконструкция қилиш ишларини тўлиқ бажариш режалаштирилган эди, — дейди «Қуйи Зарафшон» гидрогеология мелиоратив экспедицияси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Шерзод Ваҳобов. — Шу мақсадда мелиораторлар бор имкониятларини ишга солишмоқда. Жорий йилнинг 15 ноябригача мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ишлари 415 километрга ууддаланди. Жумладан, «Навоийсувтаъмир» масъулияти чекланган жамияти томонидан Кармана туманидаги «Олчин» ва Хатирчи туманидаги «Араптепа» хўжаликлараро коллекторлари реконструкция қилинди. «Навоийсувқурилиш» ОАЖга қарашли 5-КМШК Қизилтепа туманидаги «1-4-8Д» хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш ва қуриш ишлари жадал давом

этноқда. «Навоийдавсувмахсуспудрат», «Карманадавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхоналари томонидан ҳам вилоятнинг турли ҳудудларида коллекторлар, ёпиқ-ётиқ дренажлар, тик дренаж қудуқлари, мелиоратив вертикал дренаж қудуқлари, қузатув қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, вилоятда мелиоратив тадбирлар амалга оширилган ҳудудларда қишлоқ хўжалиги экинларидан олинаётган ҳосилдорлик миқдори ошиб борапти. Жумладан, пахта ҳосилдорлиги ўртача 2-3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 3-5 центнерга қўпайган.

Навоийлик мелиораторлар эса айнан шундай эзгу мақсад йўлида ғайрат кўрсатишмоқда. Хусусан, 2014 йил ҳосили учун суғориладиган экин ерларининг шўрини ювиш учун гидрогеология мелиоратив экспедицияси томонидан ҳар бир фермер хўжаликлари кесимида тавсияномалар ишлаб чиқилиб, уларнинг бажарилиши юзасидан чора-тадбирлар белгиланган. Уларни амалга ошириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Демакки, келгуси йил ҳосилига пухта замин қўйляётир.

**Абдурасул САТТОРОВ,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.

Сурдарё Вилояти

Сирдарё туманидаги «Турсунмурод Саид» фермер хўжалигида шўр ювишни сифатли ўтказишга бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди.

## ШЎРИ АРИЁТГАН ДАЛАЛАР

Унда туман ҳокимлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, фермерлар кенгашлари раислари, вилоят ва туманлар ирригация-мелиорация тизимларининг раҳбар мутахассислари иштирок этдилар.

Семинарда сўзга чиққанлар шўр ювишнинг самара ва афзалликлари ҳақида фикр билдирдилар. Шўр ювишни мақбул муддатларда ўтказиш долзарб вазифа эканлиги қайд этилди.

Бугунги кунда вилоятда давлатимиз томонидан кўрсатиляётган ғамхўрлик натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляётир. Катта эътибор ва астойдил саъй-ҳаракат натижасида вилоятда 7936 гектар майдон шўрланмаган майдонга, 228207 гектар ер кам шўрланган майдонларга айлантирилди.

Вилоят хўжаликларида тупроқ қатламидаги зарарли тузларни чиқариш, унумдор қатламдан пасайтиришнинг илғор усулларидан бири бу шўр ювишни изчил амалга оширишдир. Кузги ҳосил йиғиштириб олинган, сув таъминоти кескин қисқарган давр ноябрь, декабрь ва январь ойларида, яъни сув сатҳи энг пасайган даврда бу тадбирни бажариш иш самарадорлиги ошиб, тупроқ соғломлашини таъмин этади. Шўри ювилиб, яқоб берилган майдонларда юқори иссиқ ҳарорат даврида ҳам эгатларда намлик бир меъёрда ушлаб турилиши сабаб ғўза шоналари тўкилмайди.

Буни жорий йилда мўл ҳосил етиштирган фермер хўжаликлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу муҳим агротехник тадбир сифатли ўтказилган Сирдарё туманидаги «Турдимурод Саид», «Икром Камрон», «Сомон йўли», «Муножоту Сано», «Арслон Иброҳим Раҳмон», «Адолат момо» фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги 40-50 центнердан юқори бўлди.

Жорий мавсумда вилоятда 54,2 минг гектар майдонга чел, 25,5 минг гектар майдонга пушта олинди, 25,3 минг гектар майдонга жўяк тортиб, шўр ювиш тадбирлари ўтказиш белгиланган.

Анжуман иштирокчилари илғор фермер хўжаликларида бўлиб, ушбу агротехник тадбир борасида тўпланган тажрибалар билан танишишди. Ўзаро фикр алмашишди. Мутахассислардан тегишли маслаҳат ва тавсиялар олишди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.

Наманган Вилояти

## МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ — ЭКИН МАДДОРИ

Мингбулоқ туманида 2014 йил ғалла ҳосили учун мустаҳкам замин яратилмоқда.

Фермер хўжаликлари томонидан экилган кузги ғаллани озиклантириш мақсадида маҳаллий ўғит жамғариш, дала майдонларини пайҳонгарчиликлардан муҳофаза қилиш борасидаги ишлар қизғин амалга оширилмоқда. Туманнинг «Сайдали ҳожи» фермер хўжалигида ҳам бу каби юмушлар уюшқоқлик билан олиб бориляётир.

**СУРАТДА:** Мингбулоқ туманидаги «Сайдали ҳожи» фермер хўжалиги раҳбари Машрабжон Акбаров.

**Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.**



Сурхондарё Вилояти

## ҒАЛЛАЗОРДА ИШ ҚИЗҒИН

Сурхондарё вилояти ғаллакорлари келгуси йил ҳосили учун 98 минг гектар суғориладиган майдонга бошоқли дон уруғи сепаиб, бир текис ундириб олди. Айни кунларда майса парваришига алоҳида эътибор берилмоқда.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, экинларни белгиланган муддатларда суғориш, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантириш ишлари агротехник тадбирлар асосида амалга оширилмоқда. Майсалар босқичма-босқич суспензия усулида баргидан озиклантириляётир.

Вилоятда «Таня», «Крошка», «Половчанка», «Краснодар-99» каби ҳудуд иқлимга мос, серҳосил ва эртапишар ғалла навлари етиштирилмоқда.

Эрта кузда сифатли шудгорланган экин майдонларимизнинг бир қисмига «Гуром», «Грация» каби янги, эртапишар ва серҳосил ғалла уруғи эккан

эдик, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси масъул мутахассиси Чўлли Алланазаров. — Ҳозир мавжуд майдонлардаги ғалла навлари баравж ривожланаётир. Синовдан ўтаётган янги навли бошоқли дон экинлари белгиланган агротехник тадбирларга мувофиқ парваришланмоқда.

Олтинсой туманида юздан ортиқ фермер хўжалиги 4 минг гектардан зиёд майдонга бошоқли дон уруғи сепаиб, бир текис ундириб олди. Айни кунларда дала ишларини тез ва сифатли бажаришга алоҳида эътибор берилляётир. Тумандаги «Тошмир Қобиллов» фермер хўжалиги келгуси йил учун 44 гектар майдонда «Крошка» навли ғалла

майсаларини парваришланмоқда.

Ғалла — ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз кўрки, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Абраҳмат Тошмиров. — 2013 йил 48 гектар майдонда дон етиштириб, мўл ҳосил олдик. Шартномавий режани ортиги билан бажардик. Режадан ортиқ йиғиб олинган ҳосил хўжалигимиз ихтиёрида қолди. Шу кунларда мавжуд майдондаги туклаб қолган экин парваришига эътиборни кучайтиряпмиз. Майсаларни суғориб, ўғит билан озиклантирмоқдамиз. Дастлабки суспензияни сифатли амалга оширдик.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**  
ЎЗА мухбири.

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА КЕНГ ЙЎЛ

**Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил ислохотлар аҳоли бандлигини оширишга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.**

Жорий йилнинг 7 октябридан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларига, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги ва бошқа қатор амалдаги қонунларга асосий қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йил 24 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилиниши, яъни унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги баргараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши белгиланган эди. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси, Божхона кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча баргараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилишини назарда тутувчи тегишли моддалар билан тўлдирилди. Шунингдек, ушбу Фармонда юридик шахслар учун солиқ ва бош-

қа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган санкцияларни бекор қилиш назарда тутилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни 29-моддасидан реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва реклама тарқатувчилар — юридик шахслар ваколатли давлат органи томонидан тортиладиган жарима билан боғлиқ нормалар чиқариб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 20-моддасида хусусий банк ва молия институтларининг фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан режали тартибда кўпи билан беш йилда бир марта амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Ўз навбатида, ушбу норма Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддасига ўзгартириш киритиш заруратини юзага келтирди. Шу сабабли, мазкур Қонуннинг 39-моддаси хусусий банк ва бошқа хусусий молия институтларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар беш йилда кўпи билан бир марта амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

2012 йилнинг 22 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган бўлиб, мазкур Фармонда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар назарда тутилган эди. Ушбу Фармонга илова сифатида келтирилган Дастурда пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадларини солиқдан озод этиш назарда тутилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси-

нинг тегишли моддаларига пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадларини солиқдан озод этиш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган Фармон билан Фермерлар кенгашларига фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб даво аризаларини тақдим этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) устидан судга давлат божи тўламасдан шикоят қилиш ҳуқуқи берилганлиги муносабати билан, Солиқ кодексининг тегишли моддалари Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларида давлат божини тўлашдан озод қилиниши тўғрисидаги норма билан тўлдирилди.

Бундан ташқари, мазкур Фармонга илова сифатида келтирилган дастурнинг 23-бандида томчилатиб сугориш тизимини жорий этган юридик шахсларни беш йил муддатга ягона ер солиғини тўлашдан озод қилинишлари сабабли, Солиқ кодексининг 367-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Булар эса ўз навбатида, ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилишга, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ҳовларни баргараф этишга, соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини оширишга, экспорт салоҳиятини ривожлантиришга, аҳоли бандлигини ва даромадлари ошишини таъминлашга хизмат қилади.

**Улуғбек АЛОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари  
мониторинги институти етакчи  
илмий ходими.



## ЎНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

### ЎНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

**Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб ўтказиладиган ёнгин хавфсизлиги ойлигида тарғибот ва ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилади.**

Ушбу жараёнда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам маҳаллалар, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда бўлиб, аҳолига ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришаётир. Уларда ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари, омиллари, шундай ҳолат кузатиладиган қилиниши лозим бўлган ишлар, биринчи ёрдам шартлари каби мавзуларда чиқишлар қилинмоқда.

Маҳаллаларда фуқаролар билан ўтказиладиган суҳбатларда хонадонларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, газ, электр, кўмир ва ўтиндан фойдаланишда зарур бўладиган кўникмалар, иситиш мосламаларининг тавсифлари кенг муҳокама этиляпти.

Мақтабгача таълим муассасаларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ёнгинларнинг олдини олиш борасида илк кўникмаларни шакллантириш мақсадида болажонлар иштирокида саҳна кўринишлари, плакатлар, ўқув қўланмаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Сирасини айтганда, бугун ўтказиладиган тарғибот тадбирлари ўз самараларини беришига ишонамиз.

**М.КОМИЛОВА,**  
12-ХҲХО кичик инспектори.

## ҚИСҚА ТУТАШУВНИНГ ТАШВИШИ УЗУН

**Бугун кундалик турмушимизни электр энергиясиз тасаввур қила олмаемиз. Иш жараёнидан оддийгина маиший юмушларгача электр кўмагида амалга оширилади.**

Аммо электр энергиясидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, қолаверса, уни қодалари асосида ишлатиш зарур бўлади. Айниқса, электр симларининг очилиб қолиши инсон соғлигига, ҳатто ҳаётига ҳам хавф туғдиради. Қолаверса, бундай ҳолатлар узоқ муддат кучли электр истеъмоли, электр розеткаларига бўлган эҳтиётсизлик натижасида ёнгин ҳолатларини юзага келтириши мумкин.

Шу боис, ҳар биримиз электр энергиясидан фойдаланишда эҳтиёт шартларига доимо риоя қилишимиз, унга ҳушёр бўлиб қарашимиз лозим. Ана шундагина электр энергияси ва маиший техникалар ҳақиқий дастуримизга айланади.

**Р.АКБАРОВ,**  
32-ХҲХК смена бошлиғи.

## БУНЁДКОРЛИК ҲАМ ОГОҲЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

**Бугун азим шаҳарлару сўлим қишлоқларда бўлган киши юртимизни улкан бунёдкорлик майдонига қиёс этади. Агар таъриш, жомиз бўлса, бугун ҳар қадамда қурилиш, ободлик ва бунёдкорлик бўлмоқда. Кун сайин кўкка бўй чўзаётган мухташам иморатларни кўриб ҳавасингиз келади.**

Бу улкан ишлар учун кишиларнинг қанча заҳмати, матонатли меҳнати, қанчадан-қанча сармоя сарфланаётди. Аммо биргина эҳтиётсизлик оқибатида ана шунча меҳнат кўкка совирилиши мумкинлигини қурувчиларимиз яхши билишади. Шу боис, қурилишда меҳнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги қодаларига қаттиқ риоя қилинади.

Улар нималардан иборат эканлигини шу ўринда яна бир эслатиб ўтишни жоиз деб билдик.

Қурилиш жараёнида электр энергияси билан ишлайдиган асбоб-ускуналар симларининг очилиб қолиши, сим узайтиргич ва электр розеткаларининг хавфсизлигини таъминлаш лозим бўлади.

Шунингдек, қурувчиларнинг махсус вагон-уйларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, бунинг учун печлар, электр асбоблари, дудбуронларнинг рисоладагидек ишлайётганини доимо назорат қилиб бориш зарур бўлади.

Қурилиш жараёнида ёнгин хавфини юзага келтирадиган ҳолатни сезганда, албатта, ёнгин хавфсизлиги хизматига хабар бериш керак.

Унутмаслигимиз керакки, бунёдкорлик ишлари огоҳликни талаб этади.

**Б.ЖОНИБЕКОВ,**  
12-ХҲХО кичик инспектори.

Фарғона Вилояти

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

## ТАЪМИНОТДА БАРҚАРОРЛИК МУҲИМ

**Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2013 йил 5 июлда қабул қилинган республика иқтисодиёти тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирларига оид қароридан белгиланган вазифаларнинг ижросига Фарғона вилоятида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни «Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» очик акциядорлик жамияти мисолида кўриш мумкин.**

2013 йилда Фарғона, Қувасой, Кўқон, Марғилон шаҳарлари, Кўштөпа, Фарғона, Ўзбекистон, Сўх ва Бувайда туманларида жами 25 трансформатор янгиларига алмаштирилди. Юз бериши мумкин бўлган аварияларни тезкорлик билан баргараф этиш мақсадида 30 трансформатор захираси яратилди. Корхонага замонавий электрон жиҳозлар ўрнатилгани электр энергиясини ҳисобга олиш ва масофавий назоратни таъминлашнинг автоматлаштирилган тизимидан кенг фойдаланиш имконини бермоқда.



**СУРАТДА:** тезкор диспетчерлик хизмати бўлими электромонтёри Шокир Жўрабоев.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

▼ ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ-2014

# «БУНЁДКОР» ЎЗ ГУРУҲИДАГИ ЭНГ ТАЖРИБАЛИ ЖАМОА

**ОФКнинг Куала-Лумпурдаги қароргоҳида Осие Чемпионлар лигаси баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.**

Маълумки, ОЧЛ баҳсларида ушбу мавсумда мамлакатмиздан учта жамоа иштирок этади. Булар ордта қолган мавсумда олий лигада совринли ўринларни қўлга киритган «Бунёдкор», «Локомотив» ва «Насаф» жамоаларидир. «Локомотив» ва «Насаф» мусобақани 2-саралаш босқичидан бошлайди. 8 февраль куни «насафчи»лар сафарда Қатарнинг «Ал-Жаиш» жамоасига қарши тўп сурса, «Локомотив» Тошкентда 1-саралаш босқичидаги жуфтлик — «Ал-Қодисия» (Қувайт) — «Аш-Шорта» (Ироқ) баҳси голибини қабул қилади.

Агар ушбу клубларимиз 2-саралаш босқичидан муваффақиятли ўтишса, 3-саралаш босқичидаги ўйинларни 15 февраль куни сафарда ўтказишади. Жумладан, «Локомотив» гуруҳ босқичи йўлланмаси учун «Лавхия» (Қатар), «Шабоб ал-Урдун» (Иордания), «Ал-Хидд» (Бахрайн) жамоалари баҳси голибига қарши тўп сурса, «Насаф» «Банияс» (БАА), «Ас-Сувайқ» (Уммон) ва «Ал-Қодисия» (Қувайт) жамоалари ўртасидаги рақобатда голиб чиққан жамоага қарши майдонга тушади.

Ўзбекистон чемпиони ва Кубоги соҳиби «Бунёдкор» эса қуръа натижасига кўра, «В» гуруҳида Саудия Арабистонининг «Ал-Фатх», Эроннинг «Фулад»



ва «Насаф» ўрин олган плей-офф сеткаси голибига қарши тўп суради. ОФК киритган истиснога кўра, агар «Насаф» гуруҳ босқичи йўлланмасини қўлга киритадиган бўлса, бир гуруҳда бир мамлакатдан икки жамоа бўлиб қолишини олдини олиш мақсадида Қарши жамоаси «А» гуруҳига кўчирилди. «А» гуруҳидаги Қатар вакили — «Ар-Райян» эса «В» гуруҳига кўчиб, «Бунёдкор» рақибига айланади.

Агар «Насаф» гуруҳ босқичи йўлланмасини қўлга киритса, «А» гуруҳида Эроннинг «Истиқлол», БААнинг «Ал-Жазира» ва Саудия Арабистонининг «Аш-Шабоб» жамоасига қарши тўп суради. «Локомотив» эса, агар саралаш босқичидан муваффақиятли ўтса, «С» гуруҳида БААнинг «Ал-Айн», Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» ва Эроннинг «Тракторсози» жамоаларига қарши тўп суради.

Тошкентнинг «Бунёдкор» жа-

моаси «В» гуруҳидаги энг тажрибали клуб бўлиб турибди.

2014 йилни ҳам қўшиб ҳисоблаганда «қалдирғочлар» қитъамизнинг клублар ўртасидаги энг нуфузли турнири — Осие Чемпионлар лигасида еттинчи бор иштирок этишади.

Бу борада Саудия Арабистони чемпиони «Ал-Фатх» клуби мусобақа дебютанти ҳисобланади.

Эроннинг «Фулад» клуби эса бунгача фақатгина бир марта — 2006 йилги турнирда ўз омадини синаб кўрган. Ушанда форслар гуруҳ босқичидан чиқа олишмаган.

Плей-офф босқичи якунлангач, «В» гуруҳидан ўрин олиши мумкин бўлган клублар ҳам бу борада мамлакатимиз чемпиони рақобат қила олишмайди. Жумладан, «Ар-Райян» (Қатар) 6, «Ал-Қодисия» (Қувайт) 4, «Банияс» (БАА) 2, «Ал-Жаиш» (Қатар) 2 мартаба мазкур мусобақада иштирок этишга муваффақ бўлишган.

▼ КАРАТЭ

Каратэ бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган катталар ва ўсмирлар ўртасидаги Осие чемпионатида муваффақиятли иштирок этишди.

## КАРАТЭЧИЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Осие қитъасининг 32 давлатидан 500 нафардан зиёд спортчи қатнашган мазкур нуфузли мусобақада Садриддин Сайматов ўз вазн тоифасида Шри Ланка, Ҳиндистон, Қувайт вакиллари ва ҳал қилувчи баҳсда эса Эрон спортчисини мағлубиятга учратиб, Осие чемпиони бўлди. Аёллар ўртасидаги баҳсларда Осие ўйинлари совриндори Барно Мирзаева Ҳиндистон, Иордания, Хитой Тайпейи ва Қозоғистон спортчиларини энгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Яна икки нафар спортчимиз — Беҳзод Туйғунов ва Абдулазиз Отабоев кумуш медални қўлга киритишди.

▼ ГАНДБОЛ

## ГАНДБОЛЧИЛАРИМИЗ БОШ СОВРИН СОҲИБИ


2013 йилнинг 3-10 декабрь кунлари Таиландда Жануби-Шарқий Осие гандбол федерацияси томонидан илк мартаба гандбол бўйича Осие чемпионати ташкил этилди. Унда иштирок этган мамлакатимиз эркаклар ва аёллар гандбол терма жамоалари бош совринни қўлга киритишди.



Мазкур мусобақанинг эркаклар ўртасидаги баҳсларида терма жамоамиз аъзолари Гонконг, Таиланд, Вьетнам ва Филиппин терма жамоаларини мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда яна мезбонлар билан куч синашган гандболчиларимиз рақибларини катта устунлик билан энгиб, олтин медални қўлга киритди.

Аёллар ўртасидаги мусобақада ҳам мамлакатимиз гандболчиларига тенг келадигани топилмади. Спортчиларимиз Гонконг, Таиланд, Филиппин ва Вьетнам терма жамоалари устидан галаба қозониб, бош совринга эга бўлди.

## ИГНАТИЙ НЕСТЕРОВ «ЛОКОМОТИВ»ДА



Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва «Бунёдкор» клуби дарвозабони Игнатий Нестеров энди ўз фаолиятини Тошкентнинг «Локомотив» клубида давом эттирадиган кўринади.

Мамлакатимизнинг энг кучли дарвозабони сифатида эътироф этиладиган Игнатий профессионал фаолиятини Самарқанднинг «Динамо» клубидан бошлаган. 2002-2009 йилларда Тошкентнинг «Пахтакор», кейинчалик «Бунёдкор» клуби дарвозасини ҳимоя қилган. 2002 йилдан буён Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси ҳисобланади.

